

Жалолiddин Суютий

22:18 / 27.04.2017 5675

Тўлиқ исмлари Абдурахмон ибн Абу Бакр Жалолiddин бўлиб, она диёрлари бўлмиш Мисрнинг жанубидаги Асют шаҳрига нисбат берилиб, Суютий деб номландилар. Бу киши ҳадис, тафсир, тилшунослик, тарих, адабиёт, фикҳ ва бошқа кўплаб илм соҳаларининг моҳир билимдони бўлган қомусий олимдирлар. Ҳижрий 849, милодий 1445 йилда Қоҳирада туғилдилар ва шу шаҳарда ўсиб-улғайдилар.

У киши Шом, Ҳижоз, Яман, Ҳиндистон ҳамда Фарбий Африканинг бир қатор мамлакатларига сафар қилганлар. Мисрда бир қанча нуфузли мансабларда фаолият кўрсатганлар. 40 ёшга етганларида ҳамма мансаблардан воз кечиб, қолган умрларини китоб ёзишга бағишладилар. Бутун умрлари давомида 600 га яқин китоб ёзганлари ривоят қилинган. Бу асарлар орасида катта томлилари ҳам, кичик ҳажмдаги рисоалар ҳам бор. Мисрлик машҳур профессор Аҳмад Шарқовий ўзининг "Жалол Суютий кутубхонаси" китобида алломанинг ёзган асарлари 725 тага етишини қайд этган.

У кишининг машҳур асарлари:

1. Ал-жомеъ ал-кабир фий аҳадийсин Назийр ал-Башийр.
2. Ал-жомеъ ас-сағир фий аҳадийсин Назийр ал-Башийр.
3. Ал-итқон фий улумил Қуръон.
4. Ад-дуррул мансур фит тафсир би-л-маъсур.
5. Танвирул ҳаваалик фий шарҳи Муваттоил Имами Малик.
6. Ал-хосоису вал-муъжизот ан-Набавийя.
7. Табақот ал-ҳуффоз.
8. Табақот ал-муфассирин.
9. Буғятул вуъот фий табақот ал-луғавиййин ван-нуҳот.

10. Ал-фарийда алфия фин-наҳв.

11. Алфия фий мусталаҳил ҳадис.

12. Ал-лаолиул маснуъа фил аҳадисил мавзуъа.

13. Тафсирул Жалолайн. Бу тафсирни Жалолиддин Маҳаллий билан ҳамкорликда ёзганлар.

Бундан ташқари бир қанча шеърий девонлари ҳам бор.

Аллома Жалолиддин Суютий ҳижрий 911, милодий 1505 йилда Қоҳирада вафот этганлар. Аллоҳ у кишини раҳматига олиб, қолдирган асарларидан фойдаланишни барчамизга насиб этсин. Омин!

Нозимжон Ҳошимжон